



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 8 » июль

№ 430

Toshkent sh.

### Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотлари фаолиятининг самарадорлигини оширишга оид чора-тадбирлар тўғрисида

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқариш саноатини ривожлантириш, тармоқ ташкилотларини қўллаб-куватлаш, улар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг ички ва ташки бозорларда рақобатбардошлигини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, ушбу соҳани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини бошқариш сифатини ошириш, автомобиль ва қишлоқ хўжалиги техникасини ишлаб чиқарувчилар ўртасидаги кооперация алоқаларини мустаҳкамлаш зарурлигини тақозо этмоқда.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотларини бошқариш тизимини янада такомиллаштириш, тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперацияси даражасини чукурлаштириш, ишлаб чиқариш кувватларидан самарали фойдаланиш ва оммабоп қишлоқ хўжалиги техникасига бўлган эҳтиёжни қаноатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласди**:

1. Қуйидагилар қишлоқ хўжалиги машинасозлигини янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин:

**ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини қайта қўриб чиқиш ва унификация қилиш**, уларнинг сифатини яхшилаш, таннархини пасайтириш ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотларининг рентабеллигини ошириш;

2030 йилгача Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегиясига мувофиқ замонавий молиялаштириш тизими, маркетинг сиёсати, сотишдан кейинги ва сервис хизмати кўрсатиш сиёсати назарда тутилган **қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантиришнинг янги стратегиясини** зарур бўлганда, хорижий консалтинг компаниясини жалб қилган ҳолда ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

**инвестиция дастурлари, маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босиши дастурларини танқидий қайта кўриб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиши;**

ишлиб чиқарилаётган маҳсулотга ички талабни қаноатлантириш, саноатнинг электротехника, автомобиль ва бошқа тармоқлари, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари билан тармоқлараро кооперациясини ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

коррупцияга қарши “комплаенс-назорат” тизимини жорий қилиш, соҳага инвесторларни жалб этиш чораларини кўриш;

худудларда комплекс сервис хизматлари кўрсатиш бўйича дилерлик-сервис тизимини ташкил қилиш, давлат-хусусий шериклик асосида тадбиркорлик субъектларини кенг жалб қилган ҳолда, қишлоқ хўжалиги техникасига буюртмаларни шакллантириш;

соҳага оид бўлмаган ва норентабел активларни хатловдан ўтказиш, уларни кейинчалик хусусийлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига белгиланган тартибда бериш.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик), “Ўзавтосаноат” АЖ ва “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖнинг иловадаги рўйхатга мувофиқ хўжалик жамиятлари устав капиталидаги “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖнинг улушларини (акцияларини), жамият устав капиталини бериладиган улушлар (акциялар) баланс қийматига камайтирган ҳолда, Агентликка бериш ва кейинчалик Агентлик томонидан:

“Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ, “Агрегат заводи” АЖ, “Технолог” АЖ, “Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ, “Кишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик-технологик маркази” МЧЖ, “Агросаноатмашинвест” МЧЖ устав капиталидаги давлат улушларини (акцияларини) уч йил муддатга “Ўзавтосаноат” АЖнинг ишончли бошқарувига (кейинги ўринларда – ишончли бошқарувчи) бериш;

“Урганчозуқамаш” АЖ ва “Агротех-лит” МЧЖ устав капиталидаги давлат улушларини (акцияларини) белгиланган тартибда савдога қўйиш;

“Агротехмаш-ДД” МЧЖ ва “Агромаш саноат инвест” МЧЖ фаолиятини белгиланган тартибда тугатиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотларини бошқариш самарадорлигини ошириш, бизнес-жараёнлар ва ишлиб чиқарилаётган маҳаллий қишлоқ хўжалиги техникаси турларини оптималлаштириш, республикада ишлиб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникасининг миллий брендини яратиш, маркетинг тизимини ривожлантириш, шунингдек, ушбу қарорда назарда тутилган бошқа вазифалар ишончли бошқарувчининг асосий вазифалари сифатида белгилансин.

#### 4. Агентлик:

бир ой муддатда ишончли бошқарувчи билан ушбу қарорга иловада келтирилган хўжалик жамиятлари устав капиталидаги давлат улушларини (акцияларини) ишончли бошқариш тўғрисида шартномалар тузилишини;

қишлоқ хўжалиги машинасозлиги ташкилотларини самарали бошқаришни ташкил қилиш учун “Ўзавтосаноат” АЖНИНГ ЯНГИЛАНГАН ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ бир ой муддатда тасдиқланишини;

“Ўзавтосаноат” АЖНИНГ ўз номларида “UzAuto” брендидан (товар белгисидан) фойдаланиш хуқуқига эга бўладиган соҳага ихтисослаштирилган алоҳида гурухларга ажратилган ва 100 фоиз улушли иштироки билан масъулияти чекланган жамиятлар шаклидаги бошқарувчи компаниялар ташкил этилиши маъқулланишини;

ушбу қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни бажариш учун зарур бўлган бошқа корпоратив ҳаракатлар амалга оширилишини таъминласин.

5. Ишончли бошқарувчига хўжалик жамиятлари бошқарув органлари билан келишган ҳолда, қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

энг яхши таклифларни танлаб олиш натижалари бўйича хўжалик жамиятларини бошқаришга чет эллик мутахассисларни жалб қилиш;

зарур фойда ва рентабелликни ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқариладиган маҳсулот нархини мустақил белгилаш;

узоқ ва ўрта муддатли стратегияларни белгилаш ҳамда хўжалик жамиятларнинг мақсадли параметрларини тасдиқлаш;

хўжалик жамиятларнинг ижро этувчи органларини тайинлаш ва улар билан меҳнат шартномаларини бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

ишончли бошқарувга берилган хўжалик жамиятлар фойдасини ишончли бошқарув шартномасига мувофиқ тақсимлаш.

6. Ишончли бошқарувчи манфаатдор вазирликлар, идоралар ва илгари жалб қилинган консалтинг компаниялари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги тармоғини ривожлантириш бўйича қуйидагиларни назарда тутувчи дастур ишлаб чиқилишини бир ой муддатда якунласин:

ишлаб чиқарилаётган техника турларини оптималлаштириш, республикада “ягона платформа” асосида ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги техникаси бюджет моделларининг миллий брендини яратиш;

боғдорчилик, мева-сабзавотчилик, чорвачилик учун техника турларини, қишлоқ хўжалиги учун кичик механизация воситаларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш ҳамда умумий ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш;

корпоратив бошқарувнинг замонавий усулларини, “ERP” автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини, маркетинг тадқиқотлари

натижаларидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқариш ҳамда сифатни бошқаришнинг замонавий тизимларини жорий этиш;

ўрта ва узоқ муддатли истиқболда экспорт улушини кўпайтиришни назарда тутадиган “йўл харитаси”ни тасдиқлаш;

машина-трактор паркларининг мавжуд техникаси ва бўш турган ер майдонларини оптималлаштириш, уларни асосан таъмирлаш ва сервис хизматлари кўрсатишга ихтисослаштириш.

7. Белгилансинки, ишончли бошқарувчи хизматларига ҳак тўлаш қўйилган вазифаларнинг, бизнес-режа параметрларининг бажарилишига боғлиқ ҳолда жамиятлар устав капиталидаги давлат улуши бўйича ҳисобланган дивидендларнинг 10 фоизи миқдорида қўшилган қиймат солигини инобатга олган ҳолда ҳисоблаб чиқариладиган бонус шаклида белгиланади.

8. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигининг:

2019 йил яқунларига кўра “Ўзавтосаноат” АЖ акциялари бўйича дивидендларни соф фойданинг 30 фоизи миқдорида ҳисоблаш ва дивидендларни тўлаш муддатини пеня ҳамда фоизлар ҳисобланмасдан 2020 йил 31 декабргача белгилаш;

“Ўзавтосаноат” АЖ ташкил этадиган бошқарувчи компаниялар томонидан “Ўзавтосаноат” АЖ ташкилотлари устав фондларидағи акцияларнинг (улушларнинг) 50 фоиздан ортиғини ваколатли бошқарув органлари билан келишган ҳолда сотиб олиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хукуқий хужжатларини бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштиурсин.

10. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг маслаҳатчиси – Саноат ва унинг базавий тармоқларини ҳамда кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари департаменти бошлиғига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С.Х. Бекенов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 8 июлдаги 430 - сон қарорига  
илова

**Устав капиталларидағи “Ўзагротехсаноатхолдинг” АЖ  
улушлари (акциялари) Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини  
бошқариш агентлигига “Ўзавтосаноат” АЖга ишончли бошқарувга,  
савдога қўйиш ва фаолиятини тугатиш учун бериладиган  
хўжалик жамиятлари  
РЎЙХАТИ**

T/р	Акциядорлик жамиятлар ва масъулияти чекланган жамиятлар номи	Улушлар (акциялар) микдори
	<b>I. Улушлари (акциялар) “Ўзавтосаноат” АЖга ишончли бошқарувга бериладиган АЖ ва МЧЖлар</b>	
1	“Тошкент қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ	100%
2	“Агрегат заводи” АЖ	99,3%
3	“Технолог” АЖ	98,8 %
4	“Чирчиқ қишлоқ хўжалиги техникаси заводи” АЖ	89,6%
5	“Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги конструкторлик- технологик маркази” МЧЖ	99,6%
6	“Агросаноатмашинвест” МЧЖ	100%
	<b>II. Улушлари (акциялар) савдога қўйиладиган АЖ ва МЧЖлар</b>	
7	“Урганчозуқамаш” АЖ	26,0%
8	“Агротех-лит” МЧЖ	2,7%
	<b>III. Фаолияти тугатиладиган МЧЖ</b>	
9	“Агротехмаш-ДД” МЧЖ	100%
10	“Агромаш саноат инвест” МЧЖ	100%

